

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz | t.me/Gazeta_Adotat

Ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш олдидagi масъулияти ва ҳисобдорлиги кучайтирилади

Қонун лойиҳасида маҳаллий Кенгашларнинг ролини янада ошириш, вакиллик назоратининг янги шаклларини жорий этиш, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш олдидagi масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор янги нормалар акс этмоқда. Унга кўра, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилади. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессияларини чақиришининг сони ва муддатлари ҳам лойиҳада акс этмоқда. Яъни, биринчи сессиянинг очилиши ва унда раислик қилиш тартиблари белгиланяпти.



3

Бугуннинг гапи



Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси

ЭРКАТОЙ ҲАЙДОВЧИЛАРНИ тийиб қўйиш вақти келмадими?!

Халқимиз доно. Баъзан муайян воқеликка нисбатан муносабатини аччиқ истеҳзо билан билдиради. Куни кеча шундай "зил" гаплардан бирини эшитиб қолдим: "АҚШда тўппонча ўқидан ҳалок бўлишининг эҳтимоли Ўзбекистондаги автомобиль йўлларида авария оқибатида ҳалок бўлиш эҳтимолидан анча паст экан".

"Бекор гап!" дейишга шошилманг. Зеро, инкор қилишдан осони йўқ. Ҳақиқат ҳиссииз статистикада яққол кўринади. 2023 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юртимиздаги автомобиль йўлларида содир бўлган йТХлар ва уларда жабрланган юртдошларимиз тўғрисидаги маълумотларга мурожаат қиламиз: "...2023 йилда содир этилган 9 минг 839 та йТХ оқибатида 9 минг 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 минг 282 нафар киши ҳалок бўлган. Болалар билан боғлиқ 1 минг 794 та йТХ туфайли 1 минг 568 нафар ўғил-қиз жароҳатланган, 263 нафар бола эса ҳаётдан кўз юмган. Жорий йилнинг беш ойида вояга етмаганлар билан боғлиқ 359 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган ва 65 нафар бола нобуд бўлган, 294 нафар бола турли даражада ган жароҳатлари олган".

2

Маълумки, ён қўшни-миз Қирғизистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган 1993 йилдан бери ўзаро муносабатларни тартибга солувчи 250 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинган.

Энг асосий ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома (1996 йил 24 декабрь), Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация (2017 йил 5 октябрь) ҳамда Ҳар томонлама стратегик шериклик тўғрисидаги декларация (2023 йил 27 январь) ларни санаб ўтиш мумкин.



Ўзбекистон — Қирғизистон: Ўзаро ҳамкорлик динамикаси

2

Фракция йиғилиши

СИНОВДАН ЎТМАГАН УСУЛЛАРДА ташхис қўйиш ва даволаш тақиқланади

Хусусан, моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаатдор бўлиш эвазига рухсат этилмаган усулларни, шу жумладан, халқ таъба-тига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаш ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши тақлиф этилмоқда. Шу билан бирга, рухсат этилмаган ҳамда халқ таъба-тига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаш орқали касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилиш тақиқланиши назарда тутиляпти.




2

УБАЙДУЛЛА ХЎЖАЕВ: "Юртни, элни озод кўрмоқ орзуси. Эркин яшаш орзуси..."



Миллат фидойилари

4



Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги олдидан

МИЛЛАТИНИ ОЛАМГА ТАНИТГАН ШОИР

5

ЛАМИН ЯМАЛ ВА ҚОНУНЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА



Мулоҳаза. Мушоҳада. Мунозара

6

Ўзбекистон — Қирғизистон: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ДИНАМИКАСИ



**Қодир ЖҰРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар
қўмитаси раисининг ўринбосари**

1 Айниқса, 2016 йилдан икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янги юксалиш даври бошланди десак, асло муболаға бўлмайди. Бунга икки давлат етакчилари ўртасидаги юқори даражадаги тўғридан-тўғри ва самарали мулоқотлар ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Икки томонлама муносабатларда ўтмишдаги бир хил қолипларни энгиш ва кўгдан буён йиғилиш қолган айрим муаммоларни тўлиқ бартараф этиш айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли самарали ечим топди. Шу сабабли бугунги кунга келиб икки давлат ўртасида ҳеч қандай сиёсий муаммолар қолмади.

Ўз навбатида, Президент Садир Жапаров "Қирғизистон учун Ўзбекистон жуда яқин кўшни, содиқ дўст ва ишончли стратегик ҳамкордир", дея таъкидлади. Ҳозирда ўзбек-қирғиз муносабатларида ижобий ўсиш динамикасини барча жабҳаларда кузатиш мумкин. Масалан, 2016 йилдан 2023 йилгача даврда ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми салкам 7 баробар ўсиб, 167,5 миллион доллардан қарийб 1 миллиард долларгача ошди. Жорий йил бошидан буён эса бу рақам 21 фоизга ўсиб, салкам 400 миллион долларга етди.

Яқин истиқболда мамлакатлар ўзаро товар айланмаси миқдорини 2 миллиард долларга етказишни ре-

жалаштирмоқда. Ушбу маррага эришиш учун барча салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, ҳамкорликка бўлган интилиш ҳар икки томонда кучли намоён бўлмоқда.

Ҳозирда томонлар транспорт-коммуникациявий, энергетика, сув хўжалиги ва бошқа турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириб бормоқдалар. Икки мамлакат чегараларида вилоятлари ҳокимлари кенгаши ҳам ташкил қилинган бўлиб, шу пайтга қадар унинг 4 та йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Қирғизистон капитални иштирокида 260 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Қўшни давлат ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 70 та корхона иш олиб бормоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам алоҳида ўринга эга. Ҳозирда қардош ва қондош ўзбек ҳамда қирғиз халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилувчи қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган 2023 йилда Ўш шаҳридаги Бобур номли Давлат академик ўзбек мусикали драма театри Ўзбекистон томонидан тўлиқ реконструкция қилинди. Ўзбекистонда буюқ ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган "Икки халқнинг суюкли ўғлони" китобининг тақдими ҳамда кўшма кон-

церт дастури зўр кўтаринкилик билан бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, жорий йил апрель ойида Бухоро шаҳрида Халқаро турк маданияти ташкилоти – ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда ташкил этилган туркий тилли мамлакатлар ёш ижодкорлари анжумани ҳамда Хива шаҳрида ташкил этилган "Лазги" халқаро рақс фестивалида Қирғизистон делегациялари ҳам фаол иштирок этди.

Икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигида парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2017 йилда Қирғизистонга амалга оширилган давлат ташрифи даврида Олий Мажлис ва Жоғорку Кенешни ўртасида парламентлараро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган эди. Ҳозирда парламентлараро алоқалар ушбу меморандум асосида изчил ва тизимли асосда ривожланиб бормоқда.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқиш мақсадида 2020 йилда Парламентлараро комиссия ташкил қилинди. Ҳозирда мазкур Комиссиянинг йиғилишлари доимий тус олган бўлиб, унинг тўртинчи мажлиси жорий йилнинг июнь ойида Чўлпонота шаҳрида ўтди.

Мамнуният билан шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бир қарашда анча чигал ва ечими йўқдек кўринган чегара масаласи томонларнинг қатъий



Ўзбек-қирғиз муносабатларида ижобий ўсиш динамикасини барча жабҳаларда кузатиш мумкин.

Масалан, 2016 йилдан 2023 йилгача даврда ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми салкам 7 баробар ўсиб, 167,5 миллион доллардан қарийб 1 миллиард долларгача етди. Жорий йил бошидан буён эса бу рақам 21 фоизга ўсиб, салкам 400 миллион долларга етди.

хошиш-иродаси туфайли 2022 йилда алоҳида шартнома орқали узил-кесил ҳал қилинди. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Қирғизистон Республикаси Жоғорку Кенеш томонидан ратификация қилингандан сўнг 2023 йилда кучга кирди. Ўтган вақт ичида мамлакатларимиз ўртасидаги давлат чегараларининг умумий участкасини тўлиқ демаркация ва делимитация қилиш ишлари якунланди.

Бу эса, ўз навбатида, ўзаро борди-келдилар сонини кескин ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, аҳолининг бирламчи эҳтиёжла-

рини қондириш учун чегара ҳудудларида ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўшма корхоналар ташкил этиш имконини бермоқда.

Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон стратегик темир йўлини куриш бўйича дастлабки аниқ қадамлар ташланди, Қамбарота-1 ГЭСини ишга тушириш лойиҳалари бўйича эришилган давлатлараро ахдлашувлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Минтақавий ва халқаро тузилмалар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида мулоқотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Шунингдек, минтақамиз давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари ва "Марказий Осиё плюс" форматларидаги саммитлар кун тартиблари янги тақлиф ва ташаббуслар билан амалий бойимокда.

Президент С.Жапаровнинг шу кунларда мамлакатимизга амалга ошираётган давлат ташрифи муно-

сабатларимизда тарихий воқелик бўлиши шубҳасиз.

Олий даражадаги учрашувлар, очик ва конструктив руҳдаги мулоқотлар яхши кўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида муштарак иродани намоён этди, ўзаро муносабатларни янги мазмун-моҳият билан тўлдирди.

Сув-энергетика, транспорт-коммуникация тармоқлари, савдо-сотик, тўқимачилик, автомобилсозлик, маданий-гуманитар йўналишлар бундан кейин ҳам ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, биз – халқ вакиллари, ўзбек-қирғиз муносабатларининг динамик равишда изчил ривожланиб бораётганидан бениҳоят мамнунимиз.

Эндиги вазифа – барқарор ўсиш сурьатларини муттасил ошириб бориш ва ўзбек-қирғиз халқларининг умумий фаровонлигини таъминлаш йўлида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, охири-оқибат муносабатларимизни иттифоқчилик мақомига кўтаришдан иборат.

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида халқ таъаботига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

СИНОВДАН ЎТМАГАН УСУЛЛАРДА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ



Қайд этилганидек, "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонунга кўра, соғлиқни сақлаш амалиётида фақат қонунчиликда белгиланган тартибда қўллашга рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш усулларида, тиббиёт технологиялари ва дори воситаларидан фойдаланилади.

Бироқ амалиётда айрим шахслар моддий қимматликлар олиш ёки мулквий манфаатдор бўлиш эвазига рухсат этилган усулларни, шу жумладан, халқ таъаботига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаган ҳолда, касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини кўрсатиб, инсонларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф туғдиришмоқда. Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда рухсат этилган усулларни қўллаган ҳолда ташхис қўйиш ва даволаш хизматлари кўрсатилганлиги учун жавобгарлик чоралари назарда тутилмаганлиги "сохта тиббиёт"ларнинг ноқонуний фаолиятдан жабрланаётган фуқароларнинг сони ортишига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва "Регламента тўғрисида"ги қонунга қўшимча ва ўзгартириш киритиш назарда тутилди. Хусусан, моддий қимматликлар олиш ёки мулквий манфаатдор бўлиш эвазига рухсат этилган усулларни, шу жумла-

дан, халқ таъаботига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини кўрсатганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини тақлиф этилмоқда. Шу билан бирга, рухсат этилмаган ҳамда халқ таъаботига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаш орқали касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилиш тақиқланиши назарда тутилди.

Фракция аъзоси Музаффа Абдиеваннинг таъкидлашича, замонавий тиббиёт илмий асосланган ва клиник амалиётда ўз тасдиғини топган натижаларга, халқ таъаботи эса узоқ йиллик кузатув, синов ва тажриба натижаларига таянади. Амалиётда баъзан учраб турганидек, на шифокорларга, на табибларга маълум бўлмаган ноодатий усуллар орқали касалликларга ташхис қўйиш ёки даволаш хизматларидан фойдаланган ҳамюртларимиз алданиб, ўз касалликларининг даражасини янада оғирлаштириб қўйишмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси соғлиқни сақлаш соҳасини ноқонуний фаолият юритаётган шахслар, фирмалардан "тозалаш"га хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан партия позицияси шакллантирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.



ЭРКАТОЙ ҲАЙДОВЧИЛАРНИ

тийиб қўйиш вақти келмадими?!

1 Бу дахшатли рақамларга изоҳ керакми? Йўқ, албатта.

Бунинг устига, ярага туз сепгандай, ижтимоий тармоқлар орқали автомобильда тезликни ошириш, йўл ҳарақати қондаларига амал қилмасдан ҳаракатланганини ҳайп кўринишида оммага намоён этилган кимсаларга кунда-кунора дуч келяпмиз. Масалан, яқинда ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчиликнинг кескин муҳокамасига сабаб бўлган Антренадаги бир ҳолатни оласак.

Жамоат жойида автомобилни 80 эмас, 100 эмас, нақ 157 км/соат тезликда бошқариб кетаётганидан оғзи қулоғига етган аёл ҳайдовчи (!) буни видеога олиб, инстаграмдаги саҳифасига жойлаган. Бу ҳам етмаганидек, контентнинг изоҳ қисмига шундай автомобилдаги "қотил"лар сабаб қанчадан-қанча инсонлар, энг афсусланарлиси, вояга етмаган беғуноҳ болалар ҳаётига нуқта қўйилаётганини ёзган тармоқ фойдаланувчисига «Бу болаларнинг тақдирини орасининг қориданоқ ёзиб бўлинган», дейишга юзхотир қилмасанми?»

Разиллик! Буни бошқача ифодаб бўлмайди.

Бу каби ҳолатларнинг кескин ошаётгани йўлларда ҳаракатланиш бўйича қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, маъмурий ва жоний жавобгарлик чораларини кескин кучайтириш зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Қачонгача пиёдалар ўлимга сабабчи бўлаётган эркатой ҳайдовчиларга бефарқ бўламиз? Уларни тартибга қақриш учун фақатгина жарима миқдорини ошириш билан қифояланиш кутулган натижани бермапти. Енгил-елли бойлик орттириб жамиятга, қолаверса, амалдаги қонунларга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатаётган айрим ҳайдовчиларни тарбиялашнинг янги механизмларини жорий этиш лозим, назаримизда.

Дунё тажрибасига назар солсак, Финляндияда тезликни оширганлик учун 200 минг доллар миқдорига маъмурий жарима қўлланилади. АҚШда ҳар бир штада тезликни оширганлик учун алоҳида қонунлар мавжуд бўлиб, балли тизим ҳолатида кўп бора маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. Буюк Британияда ҳайдовчи тезлигини оширганида, 3 балладан 6 баллагача баҳоланади. Миқдор ошиб кетса, судга қақрилади. Японияда тезликни ошириш кўп бора содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилиши, ҳаттоки, қамоқ жазоси қўлланиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, биз, "Адолат"чилар бу каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва аварияларда қурбонлар сонини камайтириш учун фақатгина жарима миқдорларини оширишни оқилона ечим,

деб билмаймиз. Чунки моддий имконияти яхши бўлган ҳайдовчи жаримани тўлаб туриб ҳам яна шундай ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги ва беғуноҳ инсонларнинг ҳаётдан эрта кўз юмишига сабабчи бўлмаслигига ҳеч қим қанолат бермайди. Демак, юртимизда ҳам тезликни оширганликда муайян муддатга автомобиль бошқариш ҳуқуқини чеклаш ёки ҳайдовчилик гувоҳномасидан умрбод маҳрум этиш, шунингдек, тезликни ошириш, спиртли ичимлик истеъмол қилиб инсон ўлимга сабаб бўлган ҳайдовчиларга жиноий жазо чораларини кучайтириш, шу билан бир вақтда, асосий эътиборни тарбияга қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, мамлакатимиз йўллари пиёдаларнинг юрак ҳовуччаб юрадиган ва отасининг эркатойлари истаган тезликда ҳаракатланадиган ҳудуд эмас. Шуни инобатга олиб, "автомобилдаги қотиллар" кўпаймаслигини таъминлаш учун қонунчиликда юқоридаги каби жиддий ўзгаришлар қилиш керак ва шарт. Акс ҳолда, йўлларда юз бераётган фожияларнинг олдини олиш имконсиз бўлиб қолаверади.

Депутатлар ташаббуси билан

ҲОКИМЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ОЛДИДАГИ

масъулияти ва ҳисобдорлиги кучайтирилади

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасидаги ислохотлар изчил давом этмоқда.

**Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзida Кенгаш раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб кўйилди. Галдаги устувор вазифа эса маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниши принциплари оид конституциявий кафолатларни қонунчиликда акс эттириш масаласи эди.

Шундан келиб чиқиб, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, куни кеча куйилган палатада биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тақдирини белгилади.

Биринчидан, янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакил-

лик ҳокимиятини бошқариш ваколати бекор қилиниб, фақат вилоят, туман ва шаҳарнинг ижро этувчи ҳокимиятига бошчилик қилиши назарда тутилмоқда.

Иккинчидан, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларида кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурини тақдим этиши ҳақидаги янги норма киритилмоқда.

Учинчидан, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ тегишли бир вилоят, туман, шаҳарнинг ҳокими этиб тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги янги норма билан тўлдириляпти.

Тўртинчидан, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ерга эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига оид ваколатлари бекор қилиняпти. Ер участкаларини доимий фойдаланишга беришга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳақли эканликлари мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида маҳаллий Кенгашларнинг ролини янада ошириш, вакиллик назоратининг янги шакллари жорий этилиши, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор янги нормалар акс этмоқда. Унга қўра, маҳаллий Кен-



гашлар фаолиятига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилади. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессияларини чақиришнинг сони ва муддатлари ҳам лойиҳада акс этмоқда. Яъни, биринчи сессиянинг очилиши ва унда раислик қилиш тартиблари белгиланяпти.

Бундан ташқари, Кенгаш раиси ва сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия гуруҳи раҳбарига сессияларга раислик қилиш ваколати тақдим этилмоқда. Маҳаллий Кенгашларга ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қоида тарихида, 5 тагача (амалда 8 та) доимий ва муваққат комиссиялар тузиш ҳуқуқи берилляпти, комиссияларнинг ваколатлари ҳам қўзда тутилляпти.

Қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгашларнинг ваколат доиралари кенгайтирилмоқда. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) мунтақавий вакилининг, Президент Халқ қабулхоналарининг

ахборотини эшитиш, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий раҳбарларининг ҳисоботини кўриб чиқиш қабили раислар жумласидандир.

Маҳаллий Кенгашларнинг назорат тадбирларини амалга оширишдаги имкониятларини «Кенгаш сўрови» ва «Кенгаш текшируви» каби таъсирчан институтларни жорий этиш ҳисобига кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келиши ва рўйхатдан ўтказилиши ягона электрон тизимида рўйхатдан ўтказилиши мустаҳкамланяпти.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ушбу ҳужжатдаги ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси вазифаларининг ажратилиши билан боғлиқ қонунлар вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги сайловлар якунлари бўйича, туман ва шаҳарларда эса 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилиши белгиланмоқда.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳаси ҳудудларда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқариш, ижро органлари устандан маҳаллий Кенгашлар ва улар депутатларнинг вакилик назоратини кучайтириш ва уларни халқнинг чинакам овозига айлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Асосийси, мамлакатимизда амалга ошириладиган конституциявий ислохотлар рўёбга келишига хизмат қилади.

Депутатлик гуруҳларида

Жалақудуқлик халқ вакилларига ишонч ортмоқда

Халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳининг биринчи ярим йилликдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Таҳлиллар халқ вакиллари билан сайловчилар ўртасидаги алоқа янада мустаҳкамлангани, жойлардаги муаммоларнинг ечимини топишда биргаликда ишланаётгани, фуқароларда депутатлик институтига бўлган ишонч ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бунинг асосий омили сайловчиларнинг мурожаатлари эътиборсиз қолмаётганида, дея баҳолаш мумкин.

Халқ вакиллари ҳисобот даврида 130 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Улар асосан бандлик, тадбиркорлик, тиббий хизмат ва ҳуқуқий йўналишлар билан боғлиқ. Депутатлик гуруҳи аъзолари Равшанбек Алимов, Тўйдихон Алибоева ва Маликашон Абдуллаева улар билан ишлашда фаол, ҳар бир мурожаат имкон қадар ижобий ҳал қилинади.

Шу ўринда депутат Тўйдихон Алибоева фаолиятига назар ташлайлик. У сайловчилар билан ишлашни сайлов ҳудудидаги «Ҳозирча», «Гулистон» ва «Навоий» МФИга кўчирган. Ҳафтанинг чоршанба кунинда сайловчиларни қабул қилади. МФИ фаоллари билан хонадонларга кириб бориб, фуқароларнинг ҳаёти, турмуш тарзини ўрганиб боради. Шундан бўлса керак, жамоатчилик ҳам ўз вакилига ўрганиб қолган, бирон муаммо туғилса, унинг ёнига шошади.

«Адолат» СДПнинг «Бир ойда бир иш ўрни» лойиҳаси доирасида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан. Депутат бу борада ташаббус билан чиқиб, вақтинча ишсизлар мурожаати алоҳида эътибор билан қарайди. Шу йилнинг 6 ойида унинг аралашуви билан 22 нафар фуқаронинг бандлиги таъминлангани бунинг ифодаси. Жумладан, «Қиличмозор» МФИда яшовчи Севара Жиянова оиласи ижтимоий кўмакка муҳтожлиги ва ўзининг ишсизлигини билдирди. Урганиш асосида у 18-мактабга ҳамшира вазифасига ишга жойлаштирилди. Натijaда бир оиланинг иқтисоди яхшиланди.

Фуқаро Моҳира Мўйдинова ҳам бир неча йилдан буён ишсизликдан қийналаётганди. Халқ вакилига

қилган мурожаати ижобий самара берди. У Ибн Сино номидаги ҚВТга ишга жойлаштирилди. Фуқаролар бандлигини таъминлашнинг самарали йўлидан бири молиявий кўмак. Бу борада ҳам Т.Алибоева ташаббускор. Жамоатчилик орасида банк муассасалари томонидан берилмаган кредитлар ва тадбиркорлик хусусида тушунча бериб боради.

Фуқаро Бахтиёр Эргашев чорвачиликка қизиқади, бироқ маблағи йўқ. Уни тинглаган депутат кредит олишни маслаҳат берди. Қисқа вақт ичида унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Энди Б.Эргашев севган иши билан банд.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бораберида қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятида кенгаши билан ўзлашади. Жумладан, аҳоли саломатлиги ҳамма вақт долзарб масала, дейди Т.Алибоева. – Шу сабаб бу масала доим эътиборимизда. Жойларда фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрганиш бораберида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 октябрдаги «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» эи қарори ижросини таъминлашнинг жамоатчилик назорати тартибидеа ўрганиб бораётишимиз. Натijaда туманимиздаги аксарият дорихоналарда сифатли дори воситалари савдосига эришилмоқда. Бундан фуқаролар хурсанд.

18-Дўстлик округидан сайланган депутат Малика Абдуллаева фаолиятида ҳам ўрганишга арзирли ишларни кўриш мумкин. У касби ҳамшира бўлгани боис доим аҳоли орасида, Фуқаролар саломатлигини яхшилаш бораберида муаммоларни ечишга ҳаракат қилади. Сайловчиларнинг мурожаатларини

ўзи учун масъулият деб билади. Ҳал қилмагунча тинчимайди.

«Дўстлик» МФИда яшовчи фуқаро Хайрулла Мўминов хонадонда иссиқхона ташкил этишни режалаштирганди. Бироқ маблағ масаласи уни қийнаётганди. М.Абдуллаева у билан суҳбатлашиб, молиявий кўмак олиш юзасидан тушунча берди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, фуқаро субсидия асосида иссиқхона қуришга эришди. Яқин кунларда дастлабки ҳосил унинг оиласига барака келтиради.

Давлатимиз томонидан хотин-қизларга бўлган эътибор депутатни ҳам улар билан ишлашга бошлайди. «Аёлнинг муаммоси бўлмаслиги керак», дея ўз олдига мақсад қўйган депутат 16 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади, 4 нафари соғломлаштиришга йўналтирилди. Умида Ўсарова, Назира Исаева, Маъмура Раимжоновна каби 9 нафар аёлга 5 миллион сўмдан кредит олишда амалий ёрдам берди.

– Аҳоли учун энг зарури – сифатли тиббий хизмат, – дейди М.Абдуллаева. – Тўғри, буён энг чеكка ҳудудларда ҳам бу борада муаммо йўқ. Шундай бўлса-да, жамоатчиликнинг тиббий маданиятини ошириш, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш лозим. Шу мақсадда «Дўстлик», «Осуда ҳаёт» ва «Кўтарма» МФИда бепул тиббий кўриқ ташкил қилди. Касаллик аниқланган 24 нафар бемор соғломлаштирилди. Тугиш ёшидаги аёллар алоҳида назоратга олинди.

М.Абдуллаева сайловчиларнинг мурожаатлари асосида коммунал хизмат ва ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммоларга ҳам ечим топмоқда. Унинг аралашуви билан «Осуда ҳаёт» МФИ кўчаларига 2 километр масофада оқова сув олиб келинди, янги ташкил этилган кўчаларга 4 дона бетон устун ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, жалақудуқлик «адолатчи» депутатлар уларни қийнаётган муаммоларни ўз муаммоси деб биладилар. Шундан бўлса керак, халқ вакилларига бўлган ишонч ортиб бораёпти.

Анджон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Худудлардан хабарлар

3 километр ички йўл асфальт қилинди



Мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, муаммоларни самарали ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Дилрабо Темирова томонидан бу борада тизимли ишлар амалга ошириб келинапти. Депутат саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган ойларида аҳоли мурожаатлари асосида 37 та депутатлик сўровлари юборилган бўлиб, уларнинг 34 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 3 та депутатлик сўровида кўтарилган масала сессияда муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинган.

Депутат Шахрисабз шаҳридаги «Хабарлик» МФИ фаоллари билан учрашганида фуқаролар маҳалла йўллари носозлиги юзасидан шикоят қилишган эди. Д.Темирова муаммони ўрганиб, тегишли идораларга депутатлик сўрови юборди. Айни пайтга келиб шаҳар йўлсозлари томонидан маҳалланинг 3 километрлик ички йўллари таъмирланиб, асфальт қилинди.

Депутат ташаббуси билан «Аёллар дафтари» рўйхатида турган эҳтиёжманд 14 нафар хотин-қизга ҳомийлар томонидан доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқиётган 7 нафар талабанинг контракт тўлови депутат кўмаги билан тўлаб берилди, 22 нафар ёшларга эса хунар ўрганишлари учун керакли асбоб-ускуналар ажратилди.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Сайёр қабул самарали кечди

«Адолат» социал-демократик партиясининг «Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи» лойиҳаси доирасида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Шофиркон туманидаги «Қалмақон» маҳалласида халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши депутати Зулфия Ашурова томонидан партиянинг «Аёллар қаноти» раиси Ҳамрогул Ашурова, мазкур маҳалла фаоллари билан биргаликда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганишга қаратилган сайёр қабул ташкил қилинди. Унда ҳудудда истиқомат қилаётган «Аёллар дафтари» рўйхатидаги бир гуруҳ хотин-қизлар билан суҳбат олиб борилди ва муаммолари ўрганилди. Очiq мулоқот жараёнида хотин-қизлар томонидан келиб тушган унга яқин мурожаат бўйича ҳуқуқий ва психологик маслаҳат берилди.

Лойиҳа доирасида «Қалмақон» МФИда истиқомат қилувчи фуқаро Д.Мухамедованинг хонадонда бўлиши. Маълум бўлишича, фуқаро 5 ой олдин 2 нафар вояга етмаган фарзанди билан отасининг уйига аразлаб келган. Маҳалла фаоллари оилани бир неча бор яраштиришга уринишса-да, натижа бўлмаган. Шундан сўнг партия фаоллари Д.Мухамедованинг Олот туман «Байёт» МФИда яшовчи турмуш ўртоғи Ф.Мамедов билан суҳбатлашиб, тушунтириш ишларини олиб боришди. Фаолларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади ва ёш оила яраштирилди.

Шунингдек, мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи, «Аёллар дафтари» рўйхатида турувчи хотин-қизлар хонадонларига кўмак бериш учун маҳалла ходимлари ва туман молия бўлими мутахассиси билан ўрганиш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизларга даволаниши учун саховатпеша ҳомийлар билан ҳамкорликда моддий ёрдам тўлаб берилиши белгиланди.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

Зўравонликдан ҳимоялаймиз

Ургут туманидаги «Навобоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида «Адолат» социал-демократик партиясининг Ургут туман кенгаши томонидан партиянинг «Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи» лойиҳаси доирасида «Хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоялаймиз» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Ургут туман кенгаши «Аёллар қаноти» фаоллари сўзга чиқиб, қонунларимизда ҳар қандай зўравонликка нисбатан жазо белгиланганлиги, ҳеч кимнинг инсон, айниқса, аёл шаънини оёқ ости қилишга, уни таҳқирлашга ҳаққи йўқлиги, жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш, энг асосийси – зўравонликнинг барча куришишларидан, таҳдидлардан ҳимоялашга ҳаммамиз бирдек масъул ва жавобгар эканлигимизга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Замира АБДУРАҲМОНОВА,
Ургут туман кенгаши раиси

Миллат
фидойилари



УБАЙДУЛЛА ХЎЖАЕВ:

“Юртни, элни озод кўрмоқ орзуси. Эркин яшаш орзуси...”

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Миллатпарвар боболаримиз ташкил этган жадидчилик ҳаракати Ватанимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир. Халқимиз учун оғир кунларда маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан жадидлар фаолиятини, уларнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганишимиз зарур. Маълум ва машҳур жадид, рус ва хориз қонунларини пухта ўрганган ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев ўз салоҳияти билан рус-тузем мактабини тугатган, Тошкент округ судида мирза бўлиб ишлаган, Саратов университетиде ўқиган. Убайдулла Хўжаев жаҳон адабиёти ҳамда ҳуқуқшунослик бўйича етук мутахассислардан бири бўлган. У 1909 йилда русларнинг даҳо адиби Л.Толстой ижоди билан чуқур танишади. Файласуф ёзувчининг насроний ақиқасидан келиб чиққан ғоясига мустамама мамлакатнинг фарзанди сифатида ён бермай, унинг ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермаслик ҳақидаги ақиқасига муҳолиф ўлароқ ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юбо-

ради, Толстойдан жавоб мактуби ҳам олади. Убайдулла Хўжаев Саратовдан Тошкентга қайтиб келгач, халқнинг тараққиётига, мазлумликдан қутулишига чора ахтариб ҳаракат қилаётган жадидлар сафига қўшилади. Чор ҳуқуқмаги маҳаллий аҳоли манфаати учун очик ишловчи сиёсий партияга руҳсат бермагач, Убайдулла Хўжаев Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқалар билан биргаликда «Турон» мусулмон драма санъати ҳаваскорлари иттифоқи»ни тузади. Убайдулла Хўжаев труппанинг ишида қизғин иштирок этади, ҳатто айрим спектакллари намойиш этиши масаласида ташкилотчи ва маъмур сифатида қатнашади. «Туркестанские ведомости» газетасининг берган хабарига қараганда, 1914 йил 27 февралда Колизей биносиде намойиш этилган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» драмасини саҳналаштириш ва оммага кўрсатиши ташкилотчиси ҳам Убайдулла Хўжаев бўлган. Убайдулла Хўжаев Туркистон халқи-

нинг ўз ҳақ-ҳуқуқини таниши учун тинмай ишлаган фидойи жадиддир. У 1916 йил июнь воқеаларида, яъни мардикорликка олиш тўғрисидаги фармонга Туркистоннинг халқпарвар, онгли ҳуқуқшуноси сифатида қарши чиққан. Убайдулла Хўжаевнинг номи 1916-1917 йилларда бутун Туркистон ўлкасида дoston бўлгани ҳам бежиз эмас. Умуман олганда, Қўқон мухторияти асосчиларидан бири бўлган Убайдулла Хўжаевнинг ҳаёти турли фожияларга, айрилиқларга бой кечган. Яқинларининг сотқинлиги хиёнатларини бошидан кечирган. Шунга қарамасдан у Ватан мустақиллиги учун астойдил кураш олиб борган. Шўролар даврида буюқ маърифатпарвар, моҳир таржимон У.Хўжаев уч марта қамалади. 1939 йили, учинчи марта қамалганда Туркистон халқининг асл фарзанди НКВДга қарашли қамоқхонада ҳалок бўлди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган, «Жадид» қиссасидан олинган парчада ҳаётини халқи ва Ватани тараққиёти, истиқболига баҳишда этган ажойиб инсон ва улуг жамоат арбоби Убайдулла Хўжаев умрининг сўнгги йиллари қаламга олинган.

Убайдулла Хўжаев 1924, 1926, 1929, 1930, 1937 йилларда Ўзбекистонни шўролар ҳуқуматидан айириб, мустақил буржуа республикаси қурмоқчи, миллатчи, жумладан, «Миллий иттиҳод» — «Миллий истиқлол» ташкилотлари фаоли деган айблар билан қайта-қайта қамалди, суддан қилинди. У 1937 йилда навбатдаги жазо муддатини Вологда вилоятининг Никольск шаҳрида ўтаб қайтгач, Тошкентда, синглисининг уйида яшади, қисқа муддат ичида Лев Толстойнинг «Болалик», Редьярд Киплингнинг «Маугли» асарларини ўзбекчага таржима қилди. 1938 йилнинг 20 февраль тунди. Синглисининг уйида ўзи учун ажратилган торгина хонада яшаётган Убайдулла Хўжаев навбатдаги таржима билан машғул эди. Уй ёнига машина келиб тўхтади. Хавотирга тушган Хўжаев деразадани қўриқиб ўшаган машинадан қаради. Қўнғизга ўхшаган машина, ундан тушаётган қора чарм куртқа кийган чекистлар. Ҳаммасини тушунган Хўжаев хотиржамлик билан урнидан турди, нарсаларини йиғиштириб бошлади. Ичкари хонадан чиқиб келган, қамалардан юрак олдириб қўйган аёл ваҳима ичида сўради: — Омонликму, ака? Хўжаев синглисини хотиржам қилишга уринди: — Омонлик. Менга келишибдур. Ишлари бор чиқар. Сен ҳеч безовта бўлмағил. Хўжаев шундай дея синглисини қучиб қўйгач, хотиржамлик билан хонадан чиқди. Аёл деразадан мўралаб чекистлар акасини машинага ўтқазиб, ўтганини кўрди. Машина вағиллаб юриб кетди. Бу уларнинг охири учрашуви эди... Тошкент қамоқхонасидаги сўроқ камерасида эса уни одатдагидай терговчи — пролетар Ефремов куракда турмайдиган, тутуриқсиз айбловлар билан қарши олди.

Хўжаев яна бу аҳмоқона айбловларни рад этди, кўзи қонга тўлган терговчи яна уни аёвсиз калтаклади. Қаҳр-ғазабга минган Ефремов лунжи шилган, қоши ёрилган, юзи қонга беланган Хўжаевнинг ёқасидан бўғиб, нечанчи маротабадир такрорлади: — Ҳой, сарт, жадид, тан ол: сен ўзинг фаол аъзо бўлган «Иттиҳоди тараққий» яширин партияси раҳбарларининг инглиз разведкаси билан алоқаси ҳақида ҳамма нарса биласан, ўзинг ҳам инглиз разведкасининг жосусисан! Шундай, а? — Й-йўқ. Мен... мен жосус эмасман, — пичирлади маҳбус. Терговчи яна маҳбусни уриб, тепа бошлади: — Жосуссан! Жосуссан!.. Тан ол, аблаҳ! Тан ол, сарт!.. Узоқ давом этган бу мислсиз хўрлик, бу бетийиқ азоб сира туғамайдигандай эди. Бироқ бир тун милтиқли аскарлар кийимлари йиртилган, қонга беланган Хўжаевни аччиқ шамол эсиб турган ҳовлига олиб чиқибди. Бир четда папирос тутатиб турган Ефремов маҳбуснинг ёнига борди. — Хуллас, сарт, «тройка»нинг ҳукми чиқди, — деди у калондимоглик билан. — Сен Жиноят кодексининг 57-67-моддалари билан, яъни ишчи-деҳқон ҳокимиятини ағдарилган қаратилган контрреволюцион фаолиятини учун... Қолган моддаларнинг санаб берайми? — Шарт эмас. — Яхши. Унда ўлимнинг олдида меннинг бир саволимга рўй-рост жавоб бер. Тинчгина, ҳаттоки жуда яхши яшашинг мумкин эди-ку. Сен нега бу йўлни танладинг? Хўп, адашиб танлаган экансан, оқибатини била туриб нега вақтида ортга қайтмадинг? Ахир калланг балодай ишлайди-ку, сарт. Убайдулла Хўжаев терговчига хотиржамлик, вазминлик билан боқди.

— Сен орзу нималигини биласанми, Миша? Юрак-юрагининг қарига кириб борган, тириклинингнинг маъно-мазмунига айланган орзу нималигини? Терговчи ҳайрон қолди: — Ҳўш, у қандай орзу экан ҳаётиндан ҳам қиммат турадиган? — Юртни, элни озод кўрмоқ орзуси. Эркин яшаш орзуси... — Ҳм-м... — Терговчи ишонқирамай бош чайқади. — Агар шу кетишларинг бўлса, ундай кунларни тушларингда кўрасанлар. Убайдулла Хўжаев... табассум қилди: — Менга негадир ундай туюлмайдими... — Шу хомхаёлларинг сабаб, — бу сафар ачиниб бош чайқаган терговчи умрида биринчи марта «сарт»ни фамилияси билан атади: — Хўжаев, бекордан-бекорга ўлиб кетяпсан-да. — Ким айтди бекорга деб? Ефремов ниманидир тушунтирмоқчи бўлди, аммо айнан нимани гапирмоқчи бўлганини ўзи ҳам англаб етмаётгани боис жаҳл билан қўл силтаб қўя қолди. Убайдулла Хўжаев совуқдан дағ-дағ титраётган аскарлар бошлиги кўрсатган девор ёнига эмас, улкан дарахт тагига бориб турди. Ҳеч ким, ҳатто Ефремов ҳам бунга эътироз билдирмади. Аскарлар саф тортишди, бошлиқ кўлини кўтарди: — Тайёрланинг. Ортига ўгирилаётган Ефремов беихтиёр Убайдулла Хўжаев томонга қаради. Шу маҳал ногаҳон осмонда қақмоқ чақди. Унинг шуъласи улкан дарахт тагида хотиржам турган, кўзларида недир умид-ишонч акс этаётган Убайдулла Хўжаевни бор бўйи билан ёритди. Ефремов сесканиб кетди.



Убайдулла Хўжаев терговчига хотиржамлик, вазминлик билан боқди.

— Сен орзу нималигини биласанми, Миша? Юрак-юрагининг қарига кириб борган, тириклинингнинг маъно-мазмунига айланган орзу нималигини? Терговчи ҳайрон қолди: — Ҳўш, у қандай орзу экан ҳаётиндан ҳам қиммат турадиган? — Юртни, элни озод кўрмоқ орзуси. Эркин яшаш орзуси... — Ҳм-м... — Терговчи ишонқирамай бош чайқади. — Агар шу кетишларинг бўлса, ундай кунларни тушларингда кўрасанлар. Убайдулла Хўжаев... табассум қилди: — Менга негадир ундай туюлмайдими... Буйруқ янгради: — Отиلسин! Момақалдиқроқ гўмбури пала-партиш ўқлар овозини босиб кетди. Навбатдаги қақмоқ шуъласи улкан дарахт тагида мағрур турган Убайдулла Хўжаевни ёритди...

Туркистон халқининг асл фарзанди, жасур ўғон, маърифатпарвар жадид Убайдулла Хўжаев ўлимидан сўнг орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, 1989 йилнинг 31 июлида тўла оқланди.



МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ: ёхуд тесқари “қадриятлар” ҳукми

Сўнги пайтларда муаллифлик ҳуқуқига оид низолар анча кўпайди. Масалан, илгари исталган кўшиқни, истаган одам, хоҳлаган жойда ижро этиб кетаверар эди. Энди кўшиқ ижросидан оғзаки розилик олиб айтилган кўшиқлар устида ҳам судлашулар бўляпти. Бунда Юлдуз Усмонова, Авазбек Олимов, Санжай, Достон Эргашев каби таниқли хонандаларни жаовбар сифатида намойиш бўлиши бир томондан муаммага жамоатчилик эътиборини қаратмоқда, бошқа томондан эса кўп ўринларда жамоатчиликни муаллифлик ҳуқуқига нисбатан тоқтатишга, яъни нотўғри муносабатини намойиш қўймоқда. Мақолада интеллектуал мулкка нотўғри муносабат бизни қандай қашшоқлаштириши ҳақида сўз боради.

Интеллектуал мулкни ўғирлаш — бу фақат шеър ё кўшиқни ўзиники қилиб олиш дегани эмас. Сап ўзгартириб кўчирилган илмий иш, мақоладан тортиб, номи бир харфга фарқ қилувчи сохта брендларгача, нашр қилиниши билан телеграм каналларда тарқаб кетаётган китоблардан тортиб, катта лойиҳалар учун ясаётган (кўчирилиб-ётган) логотипларгача — барчаси интеллектуал мулк ўғирлигининг қўрилишидир.

Бу бизда кеча ёки бугун пайдо бўлган иллат эмас. Бу бизда ҳар доим бўлган ва илдири анча чуқур муаммо.

Негадир интеллектуал ўғирликни энгил санаймиз, бефарқ-поқайдмиз, кези келганда уни ҳатто оқлаймиз ҳам. Бирон шоирнинг шеърини сўроқсиз ўзгартириб, асл мантиғи ва фалсафасини бузиб қўйлаган хонанда — қахрамонга («яши қўйлади», шеърни ва шоирни машҳур қилиб берди»), ҳақини даъво қилган муаллиф эса — аксилқахрамонга айланади («ношукр экан, ўзини биров танимаса, пул учун судлашайти-ёв»). Биз бу борада терс бир муҳитда яшаётгандекмиз.

АҚШда талаба курсдоши кўчирмакашлик қилганини ўқитувчига айтиб берса, номаъқул ишни фош этди, дея олди олади. Бизда эса кўчирмакашлик оддий ҳол, қўлга тушиб қолса, нари борса оғохлантирилар, лекин жиддий жазоланмайди. Бордию кимдир буни ошкор қилгудек бўлса, сотқин аталади.

Шўро қатагондан мерос тарихий аънава бирон бир маълумотни ошкор этишни қораламоққа ундайди. Муаллифнинг ўз ҳақини талаб қилиши билан хабаркашлик иллати еру осмонча фарқланишини эса тушунганиш келмайди. Аҳвол шу даражадаки, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш учун даъво бошлаган муаллифлар «Одамлар билмасин, мени сазойи қилишади» деб қонуний хатти-ҳаракатини ҳам яширишга уринади. Биз тесқари «қадрият»лар ҳукми остида ашаъямиз!

Бунинг асосий сабаби — ақлий меҳнатнинг қадрини билмаслик. Албатта, халқнинг иқтисодий ҳолати ҳам аҳамиятга эга. Дейлик, асл пойабал фалон минг сўм, унинг нухаси эса ўн баравар арзон бўлса, халқ камхаржини олади. Биронинг ҳақи, муаллифлик ҳуқуқи деб ҳар қанча бонг урманг, чўнтак кўтармас экан, барча уринишлар фойдасиз. Бу ҳол ёпиқ доирани ёдга солади: аҳоли қўли юлқалиги ваҳидан муаллиф ҳақига риоя қилмайди, бошқа томондан, жамият муаллиф ҳақири қилмағича камбағалликдан қутуллолмайди. Боз устига, мамлакатда муаллифлик ҳуқуқига риоя этилмаётгани, ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи ҳам бунга бефарқлигини кўрган инвестор асло сармоа киритмайди.

Шу тахлит хорининг арзон, сифатсиз молларини истифода этиб, умр ўтказамиз. Ўзимизнинг олтинбошлар четга ҳижрат қилиб, у ерда моддий неъмат яратади. Биз эса уларнинг молини ўн, юз баравар қиммат нархда сотиб оламиз. Шу тарзда «учинчи дунё» қармоғидан қутуллолмай юрaverамиз.

Ҳар гал хориз сафарига чиққанимда аэропортларда ҳамюртларимнинг зил-замбил жомадон судраб юрганига гувоҳ бўлам. Ватандошларимиз четдан китоб, антиквариат ёки бирон маданий атиқа келтирса қани — асосан кийим-кечак, егулик ташийди. XXI асрда! Нега? Бизда брендлар қамлиги сабаб ким хоризга чика, кўзи очдек дўконларга чопади, жомадонини ажнабий маҳсулот билан тўлдирди. Фикр, гоё ўғирланаётган мамлакатдан бренд эгалари ҳам оёғини тортади-да!

Бу ҳол нафақат sanoat ва бизнес, балки илм, ноширлик, санъатга ҳам хос. Ношир яхши муаллиф топиб, унга қалам ҳақи бериб асар ёздирди, хориздан нашр ҳуқуқини сотиб олади. Қанча харажат ва ҳаракат қилиб китобни нашр этади, бозорга чиқаради, маҳсулотини овоза қилиш учун ҳам маблағ аямайди. Бироқ китоб энди тилга тушганда қароқчилар уни арзон-гаровга пуллаб, чўнтак қапайтиради. Сўнгги йиллари бу борада Телеграм каналлар учар бўлиб кетди. «Маърифат тарқатаямиз» деган даъво билан иттобларнинг электрон нухаси каналларга жойланади. Асл мақсад — минг-минг обуначи йиғиш ва рекламадан пул ишлаш! Шўрлик ношир чапак чалиб қолаверди.

Ўғирликларнинг ортидан қувиб, ҳуқуқбузарларни жазолаш керак — қонун талаби шу. Лекин интеллектуал мулк ўғирлигига қарши фақат жазо ва таъқиб билан курашиш қўтилган самаран бермайди. Телеграм гуруҳи маъмурини топиб жаовбарчилиқ тортганини билан, эртага у анионим тарзда бошқа бир канал очиб, қинғир ишчи давом эттираверди. Уларни фақат кўпчилик бўлиб тўхташи мумкин, маънан етук жамият буни қила олади. Ўғирланган маҳсулотларни бойкот қилади, ўша каналларга обуна бўлмай, плагиатни оммавий тарзда қоралайди (canceling culture). Бирок буни қила оламизми?

Ҳозирча бизда ўз ҳақини талаб қилган муаллиф cancel бўлиб кетиши (оммавий қораланиши) кузатишмоқда. Иجتимий тармоқларда муаллифлик ҳуқуқи борасида кўп баҳслашаман. Гоҳо ўқимишли инсонлар ҳам интеллектуал ўғирликни ёқлашдан ҳайрон бўлам. Тўрт қатор оҳорли матн ёзиш машаққатини бошдан кечирган одам ақлий меҳнат маҳсулининг ўғирлигини нақадар аламли эканини теран ҳис этиди. Муаммо сабаблари талайгина.

Биринчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотларни унинг муаллифи, ҳуқуқ эгаси руҳсатисиз ўзлаштириш осон ҳамда арзон ишга айланиб қолди.

Иккинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида интеллектуал мулк бўйича етарлича ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Учинчидан, интеллектуал мулк ҳимоясига доир даъво аризаларни кўриб чиқаётган судьяларимиз бу соҳада етарлича билим ва кўникмага эга эмас.

Тўртинчидан, аҳоли бу бўйича етарли билим, кўникма ва ҳуқуқий маданиятга эга эмас. Айрилларда муаллифлик ҳуқуқи объектларига (шеърый ҳамда насрий асарлар, кўшиқлар, фильмлар ва б.) моддий мулк каби муносабатда бўлмай, унинг қийматида паст назар билан қараш шаклланиб қолган. Муаллифлик объектларининг ҳам худди моддий мулклар, масалан, машина ёки қимматбаҳо тақинчоқ каби эгаси ва баҳоси мавжуд.

Одатда муаллифлик ҳуқуқига оид иш ҳақида гап кетганда, омма орасида кенг тарқалган «интернет саҳифаларидан олдим, у ерда жойлаштирилган маълумотлар «жамоат мулк» — деган нотўғри тушушча мавжуд.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига асосан, муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин 70 йил давомида амал қилади. Ушбу муддат ўтгач, асар жамоат мулкига айланади.

Шу сабабли интернет саҳифаларига жойлаштирилган муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ҳаммаси ҳам жамоат (халқ) мулкки эмас ва улардан фойдаланилганда эгасидан руҳсат сўралиши шарт.

Ахлоқ пойдор бўлмаган жамиятда қонун устуворлиги ҳам, тараққий ҳам йўқ. Биз эса тобора ахлоқдан йироқлашиб боряпмиз: биронинга ҳақдан қўрқмаймиз, ўғирликка энгил қараймиз, фақат ўзимизни тунасаларига адолат талаб қиламиз.

Интеллектуал мулк Европада ялли ички маҳсулотнинг — 45, Хитойда — 12, Россияда эса 7 фоизини ташкил этади. АҚШ, Германия, Япония сингари мутараққий давлатларда ЯИМ ўсишининг 80 — 95 фоизи техника ва технологиялар ҳиссасига тўри келади. Демак, қаерда ақлий меҳнат қадрланса, ўша ерда инсон шаъни баланд, қорни тўқ, адолат устувор бўлади. Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қийматли маҳсулотга айлантириш учун ҳам интеллектуал мулкнинг ишончли муҳофазаси таъминланиши лозим.

Биронинг тилла соатини ўмарши билан ўзганин асарини ўзиники қилиш ўртада моҳиятан фарқ йўқ. Ана шу нуқтаи назарни бутун жамиятга синғдириш, плагиаторликнинг улкан зиёнини тушунтириш, мухтасар айтганда, иجتимий онгни ўстириш керак. Гарчи «популистик» бўлмасда, «очко» келтирмасда, жазони қаттиқроқ ва муқаррар қилиш, интеллектуал мулк ҳимоячилари ҳамжамиятларини рағбатлантириш вақти келди. Унутмайлики, бу иллат косамизни оқартирмайди, унинг қасрига қучлилар қаршисиде заиф ва тобе бўлиб қолаверамиз.

Шахноза СОАТОВА,
жамоатчилик фаоли

Махтумқули Фирӯғий таваллудининг 300 йиллиги олдидан



МИЛЛАТИНИ

оламга танитган шоир

Буюк инсонлар туғилишда муайян миллатга мансуб бўлсалар-да, фавқуллода фаолиятлари билан бутун инсониятга дахлдор бўлишади. Туркман халқининг беназир шоири ва бекиёс мутафаккири Махтумқули Фирӯғий ҳам жаҳон адабиёти юксаклигига қўтарилиб, башарият шоирига айланди. Зеро, теран тафаккур маҳсули бўлган бадий баркамол асарларининг дунё илму адаб аҳли томонидан катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилаётгани унинг ер юзиде яшаётган барча халқларга бирдай сеvimли жаҳоний миқёсдаги муаззам сўз санъаткори эканлигини кўрсатади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди,
Туркменистоннинг халқаро
“Махтумқули Фирӯғий” медали совриндори

Махтумқули барча туркий халқлар қатори, Ўзбекистонда ҳам энг машҳур, энг сеvimли, энг оммабоп шоирлардан бири ҳисобланади. Шоир шеърлари, қўлемлари асарлар давомиде халқимиз орасиде кенг тарқалган. Айниқса, маънавий-ахлоқий мавзудеги теран панд-насихатга йўғрилган маънодор шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадонни йўқ. Ўзбек олимлари томонидан Махтумқули ҳаёти ва ижодининг муттасил ўрганилиб келинаётгани, янгидан-янгиде мақола ва тадқиқотлар яратилаётгани, шоир таржимонлари сафи тобора кенгайиб бораётгани ва асарларининг ранг-баранг нашрлари пайдо бўлаётгани бунинг ёрқин далилидир. Буюк сўз санъаткори таваллудининг 290 йиллиги муносабати билан Хивада ўтказилган тантаналарда иштирок этган таниқли туркман олими, профессор Анагурбан Аширов Махтумқули номи ва асарларининг Ўзбекистонда нақадар машҳурлиги, халқимизнинг унга бўлган қизғин муҳаббати ва бекиёс эҳтиромини кўриб: “Махтумқули нафақат туркманларниче, балки ўзбекларниче ҳам – икки халқниче шоири экан”, деб лутф этгани бежиз эмас. Чиндан ҳам, у аллақачон ўзбек халқининг ўз шоирига айлиниб кетган.

Бу йил таваллудининг 300 йиллиги жаҳон миқёсиде кенг тантана қилинаётган атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1724 йили Атрек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан қишлоғиде дунёга келган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи:

*Билмаганлар сўрса,
айтинг бу ғарибнинг исмини:
Асли гўркез, юрти Атрек,
оти Махтумқулидир.*

Атрек жанубидаги вилоятда туғилган бобоси (воқеан, унинг исми ҳам Махтумқули бўлган — шоирга бобосининг отини беришган) тирикчилик ваҳидан туркманларнинг гўркез қабиласига иш излаб келади ва уруф бошлиқларидан бирининг қўлида ёлланиб ишлайди. Маълум муддат ўтиб, хўжайин уни ўз жиянига уйлантириб қўйди ва у алоҳиде хўжаликнинг бошлиғига айланади. Деҳқончилик қилиш билан бирга, ота тўқим тиқиш, қамчи тўқиш, юган ва айил яшас орқали даромадини муттасил ошира бориб, Махтумқули Ёначи (тўқимдўз) номи билан доврўқ таратади. Буш қолган вақтларида у қўшиқлар тўқиган ва улардан бири – “Гўркез” номли шеъри бизгаче етиб келган.

Отаси Давлатмамат ҳам Озодий тахаллуси билан ижод қилган машҳур шоир эди. Унинг қаламига мансуб кўп-кўп шеър ва қўшиқлар ҳамда қарийб 6 минг мисрадан иборат “Ваъзи Озод” (“Озод пандномаси”) номли дoston сақланиб қолган. Бу асарлар Озодий-

нинг форсий (воқеан, у яхшигина шоҳномахон бўлган) ва туркий адабиётдан, хусусан, Алишер Навоий ижодидан етарли даражада хабардорлигини кўрсатади. (“Ваъзи Озод” таниқли махтумқулишунос олим Баҳодир Карим томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган).

Давлатмаматнинг оиласи катта бўлиб, унда “бир неча ўғил-қизлар воғя етган бўлса-да, шоир шеърларида ўғиллардан Абдулла ва Маматсафо, қизлардан эса ёлғиз Зубайдаларнинг ишларига дуч келамиз” (А.Аширов). Халқ ичиде тарқалган ривоятларга кўра, унинг яна Хонменгли деган опаси ва Жонэсан деган укаси ҳам бўлган. Бу иккови ва келини (Жонэсаннинг аёли) Байрам бир кунда вафот этганида шоир бу йўқотиш аламига бағишлаб “Вайрона келди” деган шеърини ёзади.

Махтумқулининг илк устози отаси Давлатмамат ҳисобланади — у дастлабки маълумотни айнан унинг қўлида олади. Оилада хат-саводини чиқарган бўлажак шоир таҳминан олти ёшдан қишлоқ мактабиде — Ниёззолиқ мулла қўлида ўқиб бошлайди. Уткир зеҳни ва тиришқоқлиги билан ўқувчилар орасиде ажралаиб турган Махтумқули Халачдаги Идрис бобо мадрасасиде таҳсилини давом эттиради. Кейин Бухорога бориб, Кўкалдош мадрасасиде ўқийди. Бу ерда у толиби илмларга маъруза ўқиш учун давъат этилган суряйлик туркман Нури Козим ибн Баҳром билан танишади. Улар ўртасидеги яқинлик тез орада мустақам дўстликка айланади. Бу ердаги муҳит икки дўстни қониқтирмай, бирин-кетин мадрасани тарк этишади ва дунё бўйлаб саёхатга чиқишади. Аввал Афғонистонга йўл олиб, кейин Ҳиндистонга ўтишади. У ерда бир йилу у ой яшаб, сўнг Кобул орқали Андижон, Марғилон, Самарқанддан то Туркистонгаче боришади. Махтумқулининг юрт қадрини, Ватан соғинчи, гурбат ва мусофирчилик билан боғлиқ кўп шеърлари айна шу узоқ йиллик сафарлари билан боғлиқлиги шубҳасиз.

Кўп юртларни кўриб кўзи очилган, ақли тўлишган Махтумқули чала қолган таҳсилини ниҳоясига етказиш учун Хивадаги Шерғозихон мадрасасига жойлашади. Бу ерда ҳам у ўзининг ўткир зеҳни ва дарсларни ўзлаштиришдаги фавқуллода қобилияти билан барчадан ажралаиб турар эди. Ўз даврининг асосий илмларини ўрганиб, Абулқосим Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Имомиддин Насимий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Машраб каби Шарқнинг буюк сўз санъаткорлари ижодини ўқиб-ўзлаштиради. Унга, хусусан, Яссавий, Навоий, Фузулий ва

Машраб каби шоирлар кучли таъсир кўрсатган. Бу таъсирнинг ёрқин изларини биз унинг бу улўғ салафлари йўлида ёзган қатор шеърларида кўраимиз.

Туркман халқи тарихининг энг нотинч ва оғир даврида яшаб ўтган Махтумқули оилавий ҳаётда ҳам ҳаловат топмади. Туркман хони Човдурхон бошчилиғиде Афғонистон шоҳи Аҳмадшоҳ Дурроний (1747–1772) хузурига музокара олиб бориш учун вакил қилиб жўнатилган акалари Абдулла ва Маматсафо бедарак кетади. Бу айрилиқ алами шоирнинг “Човдурхон”, “Човдурхон учун”, “Абдулла”, “Булар келмади”, “Қулар бўлди” каби ўнлаб шеърларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

“Гўзал Шерғози” шеърдан маълум бўлишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган:

*Бағринда илм олиб, комил бўлибман,
Ғарибман – отамдан етим қолибман,
Каъбадан – онамдан жудо бўлибман,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!*

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг ўзига Фирӯғий тахаллусини танлашига ана шу кўндан-кўп жудоликлар сабаб бўлган. Бизнингча, дунёни фаний, ёлғончи деб атаган шоир учун бу оламдаги йўқотишлар эмас, балки Ҳақдан жудолик чинакам фироқ эди. Бинобарин, бу тахаллуснинг тасаввуфий маъносини ҳам бўлиб, у аслида икки оламнинг соҳиб бўлган илоҳий маҳбуби висолдан жудоликни тасмил этади. Унинг тасаввуфий мазмундаги “Ичмайин жомим” шеърда илоҳий ишқ майидан маст бўлиб, хушини йўқотгани, Ҳақ васлига қўнли ташнаю кўзи интизорлиги, бинобарин, токи боқий дийдордан жудо экан, “Фирӯғий деб атан бундан сўнг номим”, — деб фиғон чекиши бежиз эмас.

Катта хонадоннинг бутун оғирлиги Махтумқули елкасига тушади. У мударислик қилиш, ота-бобосидан мерос ёнатилик (тўқимдўзлик) касбинин давом эттириш билан бирга, темирчилик ва заргарлик хунарларини ҳам эгаллайди.

Махтумқули Менглихон деган қизни қизғин муҳаббат билан севган ва улар бирга бўлишга ўзаро аҳду паймон қилишган, лекин қўтилмаган бир ҳодиса уларни бир-бириндан ажратган. Натижада Менглихон ўзига номуносиб бир қишига турмушга чиқиб кетган бўлса, Махтумқули унинг доғу ҳасратиде кўйиб қолган. Армонга айланган ишқини ёниқ сатрларга муҳрлаб, сеvimлисига боқий назмий ҳайкал қўйган.

Махтумқулининг Менглихонга бўлган ҳасос муҳаббати Шарқ сўз санъати, жаҳон адабиётдаги ноёб ҳодисалардан ҳисобланади. Бу ёниқ муҳаббат Махтумқулининг, таъбир жоиз бўлса, бутун ижодини ёлқилантириб туради. Шоирнинг деярли барча шеърлари қат-қатидан хоҳ бевоисита, хоҳ билвосита бўлсин, армонга айланган муҳаббат садоси эшитилиб туради.

Махтумқули ҳаётини ҳам, ижодини ҳам тасаввуфдан айри тасаввув қилиб бўлмайди. Шоирнинг деярли барча шеърларида диний-тасаввуфий руҳ барқ уриб туради. Кўп-кўп шеърлари

эса соф сўфиёна мазмунда. Ҳаётда эса у қатор тариқат пирилари тарбиясини олган, уларнинг суҳбатиде бўлган.

Шеърларидан маълум бўлишича, унинг илк пири тасаввуф аҳлини дўст тутган отаси Давлатмамат эди. Қиблагўхидан сафарга ижозат сўраб ёзган ўзаро савол-жавоб тарзидеги шеърда “Жилворди бўлсам Язирхон пирнинг” деса, “Эмасми?” шеърда “Пиримиз Бектурди эшон эмасми?” дейди. Унинг Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Кўлол, Баҳоуддин Нақшбанд каби бир қатор ўтиб кетган шайхлар билан ҳам маънавий иртиботи бўлган.

Махтумқули Кубравия тариқати шайхлари билан ҳам, Хожоғон-Нақшбандия силсиласи пирилари билан ҳам яқин алоқада эди. Чунончи, Сараҳсда Нақшбандия намояндаси Ниёзқули халифага мурид тушишни орзу қилган бўлса, Отаниёз охунга ҳам шоғирдлик талабиде бўлган. Таниқли туркман олими А.Аширов эса Бухородаги Кўкалдош мадрасасиде таҳсил олганлиги, Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаб қатор шеърлар ёзганлиғидан келиб чиқиб ва албатта, ижодининг умумий руҳига асосланиб, унинг Нақшбандия тариқатига эътиқод қўйганлигини таъкидлайди. Воқеан, Махтумқулининг ўзи ҳам Баҳоуддин Нақшбандга алоҳиде ихлос қўйган бўлиб, ҳатто ўзининг шоирлик илҳомини ҳам буюк авлиё билан боғлайди:

*Бир кече ётардим, шоҳ Нақшбандий
Лутфи эҳсон айлаб бир нон келтирди.*

Маълумки, “Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи” (Навоий) Аҳмад Яссавий ислом маърифати ва тасаввуф ҳақиқатини ҳикмат тили билан баён қилиб, туркий халқлар маънавий тафаккурни тараққиётда буюк роль ўйнаган эди. Таъбир жоиз бўлса, Махтумқули худди шу вазифини туркман халқи орасиде ҳадди аълоғиде адо этди. У ўзининг ислом таълимоти ва шариат талаблари назмий талқин қилинган шеърлари билан ўз халқини Ҳақ йўлига давъат этган бўлса, тасаввуф асослари тушунтирилган ижод намуналари билан тариқатга муҳаббат уйғотди. Унинг нафақат диний-тасаввуфий мавзудеги шеърлари, балки бирор асарини исломий руҳ ва сўфиёна мазмундан холи эмас, дейиш мумкин.

Бизгаче Махтумқулининг 700 дан зиёд шеърлари ва “Қуруқ қалла”, “Оқ ит”, “Маҳшарнома”, “Ваъз”, “Кўккина каптар”, “Қора ер”, “Забуржон”, “Марв — шоҳи жаҳон”, “Жухут ўғлон” каби ўнга яқин кичик ҳажмдаги дostonлари етиб келган.

Туркман ҳаётининг тарихи, бугуни ва эртаси, урф-одатлари, анъаналари, даврининг муҳим сиёсий-ижтимоий ҳодисалари, шоирнинг дарду ҳасратлари бу шеърларнинг асосий мавзуи ҳисобланади. Бу шеърларда шоир ўз халқини севган, унинг дарду ҳасратлари билан ёнган, истиқболи учун қайғурган фидойи ватанпарвар сифатиде намоён бўлади. Ватан ва халқ мавзуси — Махтумқули шеърятининг ўқ илдизини ташкил этади. Қатор шеърларида тарқоқ туркман уруғларини бирлаштириш, улар ўртасидеги ўзаро низоларни бартараф этишга давъат қилади.


Махтумқули асарлари — XVIII аср туркман ҳаётининг яхлит гўзусидир. Шоир яшаган давр билан боғлиқ бирор нарса-ҳодиса йўқки, бу кўзгуда акс этмаган бўлса, У фақат туркманнинг эмас, балки барча туркий халқларнинг муштарақ шоирига айланди десак, хато қилмаган бўламиз.

“Болаларингизни ўлдирманг...”

Аспирант ва талаба қиз турмуш қуриб, ўғилли бўлишди. “Ўзимиз зўрға яшаймиз, боқолмай-миз”, дея болани “васийлик” идорасига бериб келишди. Гўдакни тезда бошқа оила асраб олди. Жуфтликнинг иккинчи фарзанди — қизи туғилганда, моддий танглик бирмунча йўқолган эди, лекин бирга яшай олишмади.

Эр хотини ва қизини қолдириб, уйдан чиқиб кетди. Шу бўйи университетни ҳам тарк этиб, ўзини пул топишга урди. Мўмай даромад илнжида ҳар қандай ишни қилди. Аёл эса қизи билан қийнаиб бўлса-да яшай бошлади. Бахти очилиб, қайтадан бошқа одамга турмушга чиқди. Яхши одам экан, қизчани ҳам ўз фамилиясига олди.

Асранди бола ҳам, қизча ҳам улгайишди. Айниқса, ўзга оилада, мутлақо бошқа одамларни “ота-онам” деб улгайган боланинг ҳам ҳаёти текис кетмади, тиришди-тирмашди ва ниҳоят бизнесда омади қуади.



Абдулқатлоҳ Жаңдали ва Стив Жобс

Шундай кунларнинг бириде асраб олган онаси вафот этиши олдидан унга энг муҳим сирни — “аса ота-онаси бошқа одамлар” эканини айтди. Мотамдан сўнг йигитча анча ўйланди. Ниҳоят, аса ота-онасини топиши кераклигини тушунди. Қидирув билан шуғулаанадиган агентларга мурожаат қилар экан, “Нима учун уларни топоқчисиз?” деган жўяан саволга шундай деб жавоб берди:

— Мени аборт қилиб юбормаганлари учун уларга раҳмат айтмоқчиман!

Қидирувлар натижасиде аввал онаси ва сингисини топди. Ўттиз бир йилдан сўнг учратган онасига ўз “раҳмат”ини айтганда, она ўзини тутиб тура олмади, ўғалини бағрига босишга журъати етмай, ўксиниб-ўксиниб, узоқ йиғади...



Жоан Шибле ва фарзанди Стив Жобс



Сингисин билан ҳам тил топиши олади. — Отанин ҳам қидириб топоқчимисиз? — деб савол берди сингисини. — Кейинроқ, ҳали бунга тайёр эмасман, — деб жавоб берди акаси. Сингисин отасини ўзи қидириб топоқчи бўлди. Узоқ қийинчиликдан сўнг у ҳақдаги маълумотларни қўлга киритди: отаси ҳозирда кичкинагина тамаддихонанинг хўжайини экан. Қиз чиройли кийиниб, кўрсатилаган тамаддихонага кириб борди. Тамаддихона хўжайини, яъни отаси унга лешвоз чиқди. Қизни кибор хонимлардан деб билиб, мулозамат қилган бўлади:

— Охирги пайтларда тамаддихонам нозик меҳмонлар тез-тез ташриф буюрадиган гўшага айланиб борапти. Бундан жуда хурсандман. Ким ўйлабди дейсиз, бу емакхонага шунча машҳур одамлар ташриф буюради деб...

Қиз ажабланиб савол берди: — Масалан, кимлар ташриф буюради бу ерга?! — Машҳур миллиардер Стив Жобс кунора шу ерга келиб, қаҳва ичиб кетади, — деб мақтанди емакхона хўжайини...

Бу гапни эшитган қиз ортиқ жим тура олмади: — Биласизми аслида Стив Жобс ким?! У сингизинг ўлгингиз бўлади, мен эса қизингиз...

Бир умр пул дардида ўзини ўтга-чўққа урган, болаларини “боқолмаслиги” сабабли ташлаб кетган отанинг оғзи ланг очилиб қолди... Ҳа... Бу ўша машҳур Apple компаниясининг асосчиси, суряйлик аспирант Абдулқатлоҳ Жаңдали ва немис миллатига мансуб талаба қиз Жоан Шибленинг фарзанди, Пол Жобсининг асранди ўғли, дунёни ўзгарттириб юборган учинчи оламнинг эгаси — Стив Жобсининг аччиқ ҳаётидан бир лаъча...

Қўрғони Каримда: “Очликдан кўрқиб, болаларингизни ўлдирманг, биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз”, дейилгани бежиз эмас. Тафаккур қилинғ!

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ тайёрлади

Ибрат

Менга дин ҳақида кўп гапирма, ўзининг саъй-ҳаракатларинг билан дин нима эканини кўрсат.

Агар бирон жойингдe оғриқ сезсанг, демек, тирискан, яшайпсан, борди-ю бошқаларнинг дардини сезсанг, унда сен ҳақиқий инсонсан.

Лев ТОЛСТОЙ

